

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY ANAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

**ШЕЪР – ДАРДЛИ ОҶАНГ,  
МАҚОЛА – ҲАҚИҚАТ МАШЪАЛАСИ**  
(Истам Иброҳимовнинг “Оқгул”<sup>1</sup> китоби ҳақида)

**Алишер Бозоров**  
*филология фанлари номзоди.*

**Сададдин Жалилов**  
*Нукус ДПИ Ўзбек тили кафедраси  
катта ўқитувчиси.*

Шеър яратилмайди, у туғилади, дейди донишмандлардан бири. Ҳақ гап. Ҳақиқий шоирнинг дарди ҳам шунда, аслида. “Заказ” шеърлар кўпайиб кетган даврда бундай ҳодиса – шеърнинг туғилиши: ўзбек адабиётининг бир бахтидир. Истам Иброҳимовнинг ҳеч иккиланмасдан шулар сирасига киритса бўлади. Бунинг учун эса асослар етарли. Унинг шеърый тортиқларини ўқисангиз, бунга гувоҳ бўласиз!

Истам – табиатан шоир инсон: юриш-туриши бунга ишора қилса, не ажаб... Бу хокисорлик, камтарлик ва ижодга катта масъулият билан ёндашиш бу даъвомизга қувват бўлади. Ушбу хулосага келганимизга ҳам қарийб қирқ уч йил бўлди. Биз Истамжон билан Самарқанд давлат университетида бирга ўқиганмиз: битта курс ва бир гуруҳда. Ўша пайтлардаёқ дўстимизнинг шеърлари “Ғунча” ва “Гулхан” журналларида босилиб чиққан эди. Ҳатто ўша мурғак қалби билан, мактаб даврларида мумтоз адабиёт наъмуналари асосида дoston ёзганини ҳам дўстимиздан эшитганимиз бор. Бу – “Гулдурсун” достони эди. Асар, балки ҳамжман катта бўлгани сабаб чоп этилмагандир. Ёки бошқа сабаби бордир. Бироқ қайсидир журнал тахририятидан хат келганлигини шоирнинг ўзи айтган эди. Гап асарнинг нашр қилинишида эмас, аксинча, юқорида таъкид этганимиздек, ёш шоирнинг шижоати ва ғайратида, изланишу ижодга бел боғлаганидадир. Қолаверса, гап шоирнинг жасорати ва журъатидадир.

Улуғ адабиётшунос ва синчков мунаққид, мумтоз адабиётимиз ва шеърятимизнинг забардаст билимдони Иброҳим Ҳаққул раҳматли (охиратлари обод бўлсин) ёзганларидек, “Шоирлик – руҳан ва қалбан бедорлик, жамият, давр, халқ ва муҳитга нисбатан маънавий бедорлик”<sup>2</sup>. Бу гап бевосита Истам Иброҳимовга ҳам тааллуқли. Истам шунчаки ёзмайди.

<sup>1</sup> Иброҳимов Истам, Оқ гул (Шеърлар, ҳаётий хикоя ва мақолалар), Тошкент, “Qamar media” нашриёти, 2022, 180 бет.

<sup>2</sup> Ҳаққулов Иброҳим, Шеърят – руҳий муносабат, Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 240 бет, 130-бет

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVIY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

Кези келганда миллат дардини, фожеаларини қаламга олишга ҳаракат қилади. Унинг бедор қалби, реал уйқусизликдан фарқ қилиши баробарида – тунларни беором ўтказишига ҳам тўғри келади, албатта. У даҳридун, ўткинчи воқеаларга шунчаки ва оддий кўз билан қарамайди. Балки қалб кўзи билан таҳлил қилишга интилади. Шунинг учун ҳам беоромлик ва қалбан бедорлик даражаси, дард бўлиб қоғозга кўчади: бизни ҳайратлар оламга етаклайди. Мана шундай чорловлардан бири:

*Меҳр деган тандирдан нон узган у,  
Онам каби йўлимга кўз тикади.  
Орзулари ойдай ойдин осмон бу,  
Оқгул десам, ой ҳижолат чекади<sup>3</sup>.*

Шеър, шоирнинг қишлоғи ҳақида. Аммо уни ўқиган одам, беихтиёр, менинг она тупроғим, жонажон юртим тўғрисида экан, деб юбориши аниқ. Чунки мисралар умуминсоний туйғулардан туғилган. Ортикча зўриқишларсиз (табiiйлиги шунда) равон ўқилади, бир-икки ўқисангиз ёдда ҳам қолади. Бироқ шоирнинг маҳоратини ва сўз қўллашдаги нозик назмий дидини алоҳида таъкидлаш керак. Адабиётшуносликда “Аллитерация” атамаси қўлланилади. Бунга кўра, ёзилаётган ва ифода қилинаётган “нутқда товушларнинг мос келиши”<sup>4</sup> ҳодисаси. Истам ҳам мазкур шеърда “уйғунлашув”нинг гўзал наъмунаси яратиб, янгилик ярата олган, дейиш мумкин: *Орзулари ойдай ойдин осмон бу...* Аммо кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, нашр жараёнидами ёки таҳрирдами “Оқгул” сўзи китобнинг номланиш бетида ОҚ ГУЛ, тарзида – ажратиб, хато ёзилган, назаримизда. Ваҳоланки, қўшиб ёзилиши лозим эди. Юқорида таҳлилга жалб қилинган шеър намунасида эса, қўштирноқсиз ёзилган. Тилшунослик фани қоидаларига кўра жой номлари, матнда қўштироқ билан берилиши керак. Агар оддий наср билан келтирсак, даъвоимиз равшанлашади: “Оқгул” қишлоғи, десам ой ҳижолат чекади... Бироқ шеър тузилмаси талабига асосланиб ва шоир илҳом-хоҳиши билан фақат жой номи келтирилган, холос. Акс ҳолда асар хусни ва ташбеҳига путур етган бўларди. Шоир иқтидори ҳам шундадир, зотан. Ҳатто ўша маҳалла одамлари ва қўшни қишлоқдагилар бу атамани “Огул” тарзида ишлатишни одат қилишганлигини эсласак, мушоҳадамиз янада равшанлашади. Дарҳақиқат, профессор ўртоғимиз Жўлибой Элтазаров айтмоқчи, тил –

<sup>3</sup> Иброҳимов Истам, Оқ гул, Тошкент, «Qamar-media» нашриёти, 2022, 180 бет, 23-саҳифа.

<sup>4</sup> Ҳотамов Наримон, Саримсоқов Баҳодир, Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1979, 368 бет, 26-саҳифа

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

қулайликка, нутқий тежамкорликка интилади: ҳам фонетик ҳам грамматик жиҳатдан. Албатта, бу – умумлисоний ва башарий оғзаки қоида.

Аммо бу жузъий нуқсончалар китоб ва шеърнинг умумий маъносига заррача путур етказмайди, деб ўйлаймиз.

Истам Иброҳимов кўп ёзмайди. Бироқ кам битса-да, ҳар бир сатрни, керак бўлса, йиллаб қайта ишлайди. Бунинг шоҳиди бўлганмиз. Ҳатто шоир билан яқинда учрашганимизда: “Сенга оғир ва жуда ҳам қийин ишқ ўқидан ярадор қалбим” мазмунидаги шеър китобга киритилмабдими, деган саволга мийиғида кулиб: ҳали битмади у шеър, деса бўладими. Ваҳоланки, бу шеър 1980 йил пахта терими пайтлари хатга тушганлигини биламиз, давраларда айтиб юрарди. Бу қадар – ўзига талабчанлик фақат Истамжонга хос бўлса ажаб эмас. Аслида бу хислат – фазилятдир, шоир учун!

Шеър – шоир муҳаббатининг, хоҳ у Ватанга ёхуд ҳақиқатга ёки Инсонга йўналтирилган бўлсин, Одам боласи қалбига сингиши, униши ва ниҳоят унда жонланиб, ҳосила беришига аталган. Бу, аслида ҳақиқий ижодкорнинг ўй-мақсади, ният-нидоси бўлмоғи шарт. Истам шу аснода қўлига қалам олади ва оддий ҳақиқатлардан катта фалсафа чиқаришга интилади. Ва аксарият ҳолларда бу муддаонинг уддасидан чиқади ва бизни фикрлашга чоғлайди. Мана бу сатрларга қулоқ тутинг-а:

*Ой бетини этак ёполмас,  
Фалсафанг ҳам ўзингдек содда.  
Деворнинг-да қулоғи бор, деб  
Ранглар сомон бўлгани ёдда.*

Бир қараганда, ҳа мақолни шеърга солибди-да, шоир деймиз. Аммо синчковлик билан яна қайта ўқисак, глобал муаммоларга ечим излашга ундашни кўрамиз. Шоир куйинчаклик билан “Хайрият”ки одамзод: ойни этак билан ёполмайди. Бўлмаса, ҳақиқатлар қоронғуликлар ичра юз кўрсатмай, эгилган бўларди. Ёки: деворнинг қулоғи бор, деб андиша ва мулоҳазанинг отини кўрқоқ қўйманг, адолатни очиқ юзига боқинг, акс ҳолда аввалгидек ранглар сомон бўлмасин, деб хушёрликка чақиради шоир.

Истам Иброҳимов Инсон тийнати ва зийнатини, табиати ва муҳаббатини, суврати ва сийратини бадиий бўёқлар билан чизишга интилади. Ва унинг назмий қалами борлиқ-воқелик ва атроф-муҳит хусусиятларини Одам кўнгли билан чамбарчас боғлиқлигини гавдалантиради. Унинг бадиий зехни ва ифода услуби ўзгача. Айни пайтда теран туйғулар тағзаминидан фалсафий қочиримлар сизиб чиққандек

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

туюлади. Шоир қайтариқдан қочади, янги гап айтишга ҳаракат қилади ва кўп ҳолларда бунинг яхшигина эплайди.

Шоир бир шеърида дунёнинг ўткинчилигига ишора қилиб, айрим ўзи тўйиб, кўзи тўймайдиганларга кўзгу тутати. Кўнгил кўнгилдан сув ичишини, кўнгил кўнгилдан нур олишини эслатади:

*Олиб кетиб бўлмас дунёни,*

*Қолар гуллар, боғ-роғлар қолар.*

*Биздан сўнг ҳам ёритиб тунни,*

*Кўнгил ёққан чироқлар қолар.*

“Ватанга ўхшайди, асли чинорлар”, “Хайрият”, “Фахрия”, “Бухоро”, “Кўнгил”, “Ҳақиқат”, “Соғинч”, “Шукрона” каби шеърлар гўзал эҳтирос, шоирона юксак ҳиссиёт ва маҳорат билан битилган асарларки, уларда Сизнинг хаёлингиз ёғдуларида аксланган туйғулар садосини ҳамда дардли оҳангдан таралган ҳикматни кўрасиз.

Шоирнинг журналистик иқтидори ҳам ўзгача. Сатрларида шоирона пафос балқиб туради. У қайси бир мавзуда қалам тебратмасин, янгилик излайди. Шунчаки, соддаликдан чекинади. Ҳаттоки реал воқеликка бағишланган мақолаларида ҳам сўзни бадиий рангга чайиб олади-ю бизни зериктириб қўймайди. Ёки ўқишли услуб топади. Бунга шубҳа йўқки, шоирлиги ёрдамга келади. Айрим мақолаларида эса илмий таҳлил ва натижада ечим топишга кучли уринишни кўрамиз. Масалан, “Отасини оқ қилган ўғил” шулар сирасига киради. Айни пайтда жумбоқли мавзу билан ўқувчини қизиқтириб қўяди. Сиз беихтиёр мақолани ўқий бошлайсиз ва ноодатий ифодага тасанно айтасиз. Биз билмаган тарихимиз саҳифаларини варақлаб, бир олим даражасидаги Истамжоннинг жонкуярлигига раҳмат айтасиз. Шубҳа йўқки, у Амир Олимхон ҳақидаги манбаларни титкилаган ва бу борада илмий ходим билан бафуржа суҳбатлашган. Керак бўлса, тортишувли ва баҳсли ўринларга етарлича жавоб топишга ҳаракат қилган. Бу мақолани ўқисангиз, Ўзингиз бу даъвомизга гувоҳ бўласиз, албатта!

Шоир-журналист Истам Иброҳимов бугуннинг дардини ўз вақтида ёзадиган ва ечим излашга ундайдиган, кези келса, тавсия берадиган фидойи ижодкор. Масалан, “Дунёни сув босса... тўпиғимизга чиқсин” деб номланган мақолада, айни бугуннинг чақириғи ва акс-садоси янграгандек туюлади. “Кимнингдир ерини ноқонуний олиб қўйишибди, фалончининг тижорат дўконини зўравонлик билан бузишибди” қабилидаги гапларни кунаро эшитаётган бўлсангиз ажаб эмас. Айниқса, ижтимоий тармоқлар ривожланган бугунги даврда бундай шов-шувларга тез-тез дуч келасиз.

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMİYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

Ҳолатдан беихтиёр жабрдийдаларга юракдан ачинасиз. Юқоридаги мақола, айни шундай муаммолар таҳлилига бағишланганлиги билан эътиборга ва таҳсинга лойиқ. Тўпلامга кирган деярли барча мақолалар самимий тафти, эзгу мақсади ва одамлар дардига эш бўлиши билан диққатни ўзига жалб қилади. Ижодкорга осон эмас: у доим халқнинг айтар сўзи, кўрар кўзи бўлиши, юқорида таъкидлаганимиздек, руҳий ва қалбан бедорлик билан ижод қилиши керак. Шундагина у Инсонлар қалбига йўл топади, кимнингдир мушкулини осон қилади, яхшилик улашади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Истамжон сўз айтар экан, улар сатрларда рангланади, жилоланади. Шу сабаб ўқувчининг кўнглини нурлантирса, ажаб эмас. Бу йўлда ижодкор дўстимизга толмас руҳият, ижодий парвозлар тилашдан мамнунмиз!